



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

З.М.Бобур номидаги

Андижон Давлат университети
Табиатшунослик ва география факултети
География йўналиши 2-босқич талабаси

Обидова Зиёданинг

“Ер хақидаги фанлар” дан

КУРС ИШИ



МАВЗУ: ГЕОГРАФИК ҚОБИҚНИНГ ЗОНАЛИГИ

Илмий рахбар:

Пайзуллаев М.

Андижон-2012

Р Е Ж А

Кириш

1. Географик қобикнинг зоналлиги
2. Географик қобикнинг азоналлиги
3. Азоналлик қонунияти
4. Зоналликнинг даврий қонуни ва зоналликнинг умумсайёравий тузилиши

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар

К И Р И Ш

Сайёрамиз табиий компонентларининг тақсимланишида зоналик географик қобикнинг энг муҳим структура хусусиятидир. Ернинг географик қобиғида зоналик жараёнининг вужудга келишининг асосий сабаби – Ернинг шарсимонлиги ва шунга боғлиқ холда Қуш радиациясининг турлича тақсимланишидир.

Ушбу “Курс иши” орқали ҳам Қуёшдан келаётган энергия Ернинг шарсимонлиги туфайли унинг ҳамма қисмига бирдек тушмаслигини, бу билан узвий боғлиқ табиат окмпонентлари харорат, ёғинлар, шамолар, тупроқ-ўсимлик қоплами ва хайвонот дунёси ҳам зона-зона хосил қилиб жойлашганлиги тўғрисида батафсил маълумот олишингиз мумкин.

Ер шарининг Ер ўқининг оғанлиги натижасида ёритилиш шароити йил фасллари алмашилишининг радиацион, яъни Қуёш нурлари билан боғланган асосини ташкил этади.

Об-ҳавонинг ва шу билан бирга йил фасллариининг таркиб топи-шида фақат Қуёш радиацияси иштирок этиб қолмай, кўпгина теллурий (Ер) омиллари ҳам иштирок этади, шу сабабли ҳақиқатда йил фаслла-ри ҳам, уларнинг алмашилиб туриши ҳам мураккаб ҳодисадир.

Ер ўқининг оғма эканлиги Ер юзасида ёритилиш минтақаларини ажратишга имкон беради .

Географик қобикнинг зоналиги – яъни Ер шари табиий компонентларининг бир-бири билан узвий боғланган, бир хил табиий хусусиятлар (бир хил иқлим, ўсимлик, тупроқ ва хайвонлар) га эга бўлган ҳамда лента шаклида кенглик бўйлаб узунасига жойлашган худудлари тўғрисида танишиб чиқасиз.

1.Географик қобикнинг зоналик ва а зоналиги

Сайёрамиз табиий компонентларининг тақсимланишида зоналик географик қобикнинг энг муҳим структура хусусиятидир. Ернинг географик қобиғида зоналик жараёнининг вужудга келишининг асосий сабаби – Ернинг шарсимонлиги ва шунга боғлиқ холда Қуш радиациясининг турлича тақсимланишидир. Қуёшдан келаётган энергия Ернинг шарсимонлиги туфайли унинг ҳамма қисмига бирдек тушмайди. Бу билан узвий боғлиқ табиат окмпонентлари харорат, ёғинлар, шамолар, тупроқ-ўсимлик қоплами ва хайвонот дунёси ҳам зона-зона хосил қилиб жойлашган.

Географик қобикнинг зоналиги – бу Ер шари табиий компонентларининг бир-бири билан узвий боғланган, бир хил табиий хусусиятлар (бир хил иқлим, ўсимлик, тупроқ ва хайвонлар) га эга бўлган ҳамда лента шаклида кенглик бўйлаб узунасига жойлашган худудлардир. Географик қобик компонентлари комплекс кенглик бўйича зоналар ҳосил қилиб жойлашишини Б.Б.Докучаев Россия текислиги мисолида исботлаб берди. У Россия текислиги тупроқларини ўрганар экан, тупроқлар географик қобикнинг бошқа унсурлари (рельефи, тоғ жинслари, иқлими, ўсимлиги) билан боғлиқ ҳолда жойлашганлигини исботлаб берди. Б.Б.Докучаев “Дунё қонуни” деб ном берган зоналик қонунини географик қобикнинг ҳамма қатламларида эмас, балки Ернинг устки юзасида учратамиз.


Сайёрамизда географик қобикнинг зоналик ходисаси юқорида қайд қилинганидек, Ер шарининг экваторидан ҳар икки томонга (Қуёшнинг иситиш ва ёритишига боғлиқ ҳолда) қараб ўзгариб боради. Зоналик ходисаси географик қобикнинг фақат тупроқ-ўсимлик қоплами ва хайвонот дунёсида содир бўлмасдан, ҳарорат, шамол ва ёғинларнинг тақсимланиши ҳам қонуниятга риоя қилган ҳолда жойлашган.

Географик қобикнинг энг катта зоналик ходисаси унинг географик минтақаларга бўлинишидир. Минтақалар бир-биридан иссиқликнинг тақсимланиши, атмосфера циркуляциясининг хусусияти, тупроқ-ўсимлик қоплами ва хайвонот дунёси жихатидан фарқланувчи худудлардир. Қуруқлик юзаси қуйидаги географик минтақаларга бўлинади: экваториал, ҳар иккала ярим шарнинг субэкваториал, тропик ва субтропик минтақалари, мўтадил (шимолий ва жанубий) ҳамда Шимолий яримшарнинг субарктик, арктик, Жанубий яримшарнинг субантарктик ва антарктик минтақалари.

Қуруқлик юзасида ҳар бир географик минтақа, ўз навбатида иссиқлик ва ёғинларнинг нисбатига, айниқса ўсимлик турларига кўра географик (табиий) зоналарга бўлинади. Субарктик минтақа тундра ва ўрмон-тундрага; ўртача минтақа ўрмон, ўрмон-дашт, дашт, чалачўл ва чўл зоналарига; тропик минтақа эса ўрмон, саванна, чалачўл ва чўл каби зоналарга бўлинади.

Ер шари қуруқлик юзасининг рельефи бир хил бўлмаслигига, ёғинларнинг тақсимланишига кўра зоналар доимо кенглик йўналишида бўлавермай, баъзан меридионал йўналишга ҳам эга: Шимолий Америкадаги ўрмон зонаси океан бўйлаб чўзилганлиги яққол мисолдир.

Зоналик ходисаси Дунё океанларига ҳам ҳосдир. Улар ҳам сувининг ҳарорат, шўрлиги, қаттиқлиги билан ҳамда ўсимлик ва хайвонот оламининг таркибига кўра экватордан ҳар иккала қутб томон ўзгариб боради.



2. Географик қобикнинг азоналлиги

Географик қобикнинг маълум зонаси ичида табиат унсурларининг ҳолати баъзи қисмларида ўзгаради: чўл зонаси ичида қолдиқ тоғлар, шўрхоқлар, дарё водийлари мавжуд бўлиб, улар чўлдан микроклими, ер ости сувининг ҳолати, тупроқ, ўсимлик қопламанинг хусусияти жиҳатидан фарқланади. Бу ходисани азоналлик ёки интразоналлик деб юритилади.

Қуруқлик юзасининг табиий унчурларининг кенглик бўйича зоналлашиши билан бирга, тоғли ҳудудларда баландлик минтақаланиши (азоналлик) жараёни мавжуд. Чунки тоғли ҳудудларда баландлашган сари ҳарорат (ҳар 100 м да $0,6^\circ$) пасаяди, аксинча ёғин миқдори ортади 9айниқса 2000-3000 м баландликларда), тупроқ-ўсимликларнинг хусусияти ўзгаради. Натижада табиат унсурларининг баландлик минтақаланиши қужудга келади. Мазкур тоғ қайси кенглик зонасида жойлашса, тоғдаги баландлик минтақалари ўша зонадан бошланиб, баландликка кўтарилган сари зоналар (экватордан кутб томон боргандек) ўзгара боради: маълум тоғ, чунончи Олой тизмаси чўл зонаси кенлигида жойлашган. Шу сабабли бу тоғнинг қуйи қисми чўлга хос бўлиб, сўнгра адир, тоғ, яйлов каби баландлик минтақалари бошланади. Лекин тоғли ҳудудларни энг баланд қисмида текислик зоналарида учрамайдиган субалп ва алп ўтлоқлари мавжуд. Тоғлар қанча баланд бўлса ҳамда экваторга яқин жойлашса, баландлик минтақалар сони шунча кўп, аксинча паст ва кутблар томонда жойлашса, шунча оз бўлади.

Территорила табиий географик бўлининг умумий қонуниятлари. Ландшафт қобиғининг яхлитлиги.

Ландшафт қобиғини хосил қилувчи табиий компонентлар – рельеф, ер ости ва ер усти сувлари, тупроқлар, иқлим, тирик мавжудодлар ва бошқаларнинг ҳар бири хусусий қонуниятларга мувофиқ мавжуд бўлади ҳамда ривожланади. Лекин буларнинг ривожланиши, ўзгариши ҳеч қачон бир-бирларининг таъсирисиз, ажралган ҳолда бўй бермайди. Буларнинг ўртасида узлуксиз равишда модда ва энергия алмашилиб турадики, бу ҳол ландшафт қобиғининг яхлитлигини (бир бутунлигини) кўрсатади. Барча ландшафт компонентларининг ўзаро таъсир қилиб, бир-бирини тоқозо қилиб туриши уларни ягона моддий системага бирлаштиради. Бу системанинг ҳар бир қисми бир-бирига боғлиқ ва бир-бирига таъсир этиб туради. Бу боғлиқлик шунчалик мустақамки, компонентлардан бирортасида салгина ўзгариш бўлса, у бутун ландшафт қобиғида акс этади.

Турли хил компонентларнинг ривожланиш тезлиги бир хил эмас. Бутун ландшафт қобиғи доирасида олганимизда компонентларнинг турғунлик даражаси ман бундай тартибда пасайиб боради: геологик тузилиши ва тоғ жинслари тариқиби, рельеф, иқлимий ходисалар, сувлар, тупроқ-ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Бинобарин, ландшафт қобиғининг тараққиётида баъзи бир компонентлар бу тараққиётни тезлаштиришга ёрдам берса, баъзилари аксинча тўскинлик қилади. Шу билан бирга уларнинг турли шароитдаги ривожланиш суръати бир хил бўлмайди. Албатта, булар ландшафт қобиғининг яхлитлигига зид эмас, аксинча ландшафт қобиғидаги барча компонентларнинг биргиликда мавжудлигини, ўзаро таъсир этиб туришини тасдиқлайди.

Ландшафт қобиғининг яхлитлик қонунияти кишиларнинг табиатга таъсир этишда ниҳоятда эҳтиёт бўлишини, бу таъсирнинг оқибат-натияжаси нималарга олиб келишини яхшилаб ўрганиб чиқишни зарурият қилиб қўяди. Чунки одамнинг табиатга таъсири ботқоқликларнинг қуритиш, қирғоқчил ўлкаларга сув чиқариш, дарёларга тўғонлар қуриш, сув омборлари барпо этиш, яланг ерларни ҳайдаш, “фойдасиз” ҳайвон ва ўсимликларни йўқотиш ва хоказолар ландшафт қобиғида қутилмаган ўзгаришларга олиб келиши мумкин, одамнинг табиатга кичкинагина таъсири катта, баъзан кўнгилсиз ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Масалан сув омборларининг қўрилиши атрофда ер ости сувлари сатхининг кўтарилишига, бу эса текисликларда катта майдонларни ботик босиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига манфий таъсир этиши, хўжалик ишларини мушкуллаштириб юбориши мумкин. Ана шунинг учун ҳам табиатни оқилона ўзгартириш учун ландшафт қобиғининг яхлитлик қонуниятини муфассал ўрганиш ҳамда унга амал қилиш лозим, акс ҳолда қош қўяман деб кўз чиқариш ҳеч гап эмас.

Географик зоналик

Ер ландшафт қобиғи тузилишининг характерли белгиларидан бири унинг зоналиги, яъни барча ландшафт компонентлари ҳамда географик ландшафтларнинг географик кенглик бўйича экватордан кутбларга томон қонуний раившда ўзгариб боришидир. Бунинг асосий сабаби Ернинг шар шаклида эканлиги ва Қуёшга нисбатан жойлашган ўрнидан келиб чиқадиган қуёш нурунинг ер юзасига тушиш бурчагининг экватордан кутбларга томон кичрайишидир. Бу космик планетар ходиса бўлмаганда ер ландшафтларида зоналик ҳам бўлмас эди.

Ландшафт қобиғининг зоналик қонунияти қуёш нур энергиясининг зонал тақсимланиш воситасида ҳаво ҳарорати, сувлар, ёғинлар, ҳаво босими, шамоллар, ҳаво массаларининг хусусиятлари, иқлимлар, дарёлар тармоқлари, гидрогеологик жараёнлар, геохимик ходисалар, нураш, тупроқ ҳосил бўлиши ва ўсимликларда, рельефнинг кичик шаклларида, маълум даражада чўкинди тоғ жинсларида ва нихоят географик ландшафтларда намоён бўлади.

Ер юзасидаги ландшафтларнинг нихоятда мураккаб ҳамда хилма-хил эканлигининг сабаби турли жойларнинг ривожланиш тарихи бир хил бўлмай, турли хил йўналиш ва тезлика эга эканлигидадир. Бу ривожланишнинг йўналиш ва тезлиги географик ходисаларнинг энергия манбаларига боғлиқ, уларнинг энергия манбаи иккита: 1) Қуёшнинг нур энергияси ва Ернинг ички энергияси. Албатта бу энергия манбалари таъсири вақт давомида ва маконда ўзгариб туради, бироқ ҳар бир энергия манбаи таъсиридаги бу ўзгаришлар бир-биридан фарқ қилади. Географик комплекслардаги энг муҳим икки умумий қонуният зоналик ва азоналик қонунияти мана шу икки энергия омилининг ўзига ҳос таъсири натижасидир.

Ернинг ҳажми, Қуёшга нисбатан жойлашган масофаси ҳам ер ландшафтлари зоналигига ёрдам берган. Жумладан агар ер массаси кичик бўлганда, у атмосферани ўзида тутиб тура олмаган бўлар эди, бинобарин зоналик ҳам бўлмас эди. Ёки бўлмаса, Ер Нептун ёки Плутон ўрнида бўлганда ҳам жуда совуқ бўлиб, ёппасига муз билан қопланар эди. Ер ўқининг орбита текислигига нисбатан 66,5С оғишганлиги ва бу оғишганликнинг доимийлиги ер юзасига қуёш нурунинг фазллар давомида нотекис тушишига олиб келади, ландшафтлар зоналигини мураккаблаштириб юборади. Ер юзасида рўй берадиган физик, химик ва биологик жараёнларнинг манбаи ҳам қуёшдан келадиган энергиядир. Бу процессларнинг интенсивлиги қуёшдан келадиган радиация ҳамда ёруғлик миқдорига боғлиқ. Қайд қилинганлардан равшанки, ландшафт қобиғидаги зоналик умуман планетар, космик ва астрономик сабаблар уфайли мавжуд бўлади. Бироқ, зоналикнинг рўй бериш шакллари географик қобиқ табиатига боғлиқ, чунки унда барча ташқи таъсирлар ўзгаради. Агар ердаги зоналик космик, астрономик фокторларнинг оддий акс этиши бўлганда ердаги иссиқлик

шароити ва бошқа ходисчалар чугаралари тўғри йўналишли, яъни географик параллелларга мос келувчи зоналар хосил қилган бўлар эди. Бинобарин Ердаги зоналар географик қобикнинг ўзига хос шароитларида таркиб топганлигидан уларнинг чегаралари ҳамма жойда ҳам параллелларга мос тушавермайди. Ҳақиқатда кенглик зоналари ер юзасида мураккаб шаклларни хосил қилади, улар баъзан бир-биридан ажралган ҳолда учрайди, чегаралари эгри-бугри, баъзан кескин ва баъзан сезилмас даражада бўлади. Зоналар хусусиятлари турли кенгликларда Ер юзасининг Қуёш нурлари билан нотекис иситилиши, атмосфера циркуляцияси, ҳаво массаларининг сув ва термик хоссаларида номоён бўлади. Ҳаво массаларининг асосий типлари арктика, қутбий (ўрта кенгликлар), тропик ва экваториал типлари асосий иқлим минтақалари учун хосдир. Бу асосий иқлим минтақалари оралиғида ҳаво массалари фаслий алмашилиб турадиган учта минтақа мавжуд. Булар оралик минтақалар дейилади. Б.П.Алисовнинг схемасига кўра шимолий ярим шарда арктика, субарктика, мўтадил, субтропик, тропик, субэкваториал ва экваториал иқлим минтақалари мавжуд.

Экватордан қутбларга томон асосий иқлим кўрсаткичлари қонуний равишда ўзгариб боради. Барча келтирилган кўрсаткичлар ккал/см ҳисобида берилган ва ягона шкалада кўрсатилган.

Ер юзида Қуёш иссиқлигининг нотекис тақсимланиши ва атмосфера циркуляцияси зоналари системаларининг мавжудлиги натижасида намланиш шароитларида ҳам зоналик вужудга келган. Масалан О.А.Дроздов маълумотларига кўра, ҳаво массаларининг нам сақлаш қобилияти қутблардан экваторга томон ортиб боради. Чунончи Арктикада 7 км баландликка эга бўлган ҳаво устунисидаги нам миқдори январда 5 мм, июлда 10 мм дан ошмайди, шимолий ярим шарнинг мўтадил минтақа ўрмонларида бу миқдор 5 ва 25 мм атрофида, субтропик чўлларда 10 ва 25 мм, экваториал зоналарда йил бўйи 40 мм чамасида бўлади.

Ҳавонинг нам сақлаши ва ҳаво ёғин миқдори ҳам иқлимнинг сернам ёки қурғоқчил эканлиги ҳақида фикр юритишга етарли асос бўла олмайди. Иқлимнинг намгарчилик даражаси ҳақидаги фикрлар намлик баланси, яъни ёғин миқдори билан шу иқлим шароитидаги мумкин бўлган буғланиш ўртасидаги нисбатга асосланмоғи лозим.

Дунёнинг кўпгина пунктлари учун йиллик ёғин миқдори билан мумкин бўлган буғланиш нисбатини Н.Н.Иванов ҳисоблаб чиқди ва уни намланиш коэффициенти деб атади. Намланиш коэффициенти 1 га тенг (йиллик ёғин миқдори мумкин бўлган буғланиш миқдорига баробар) бўлганда намланиш шароити оптимал бўлади. 1 дан камайиб бориши нам етишмаслигини, 1 дан ортиб бориши унинг ортиқчалигини кўрсатади.

Намланиш шароитлари ҳам Ер юзида зоналик хусусиятига эга: иккита максимал нам (экваториал ва кутб ёни), битта минимум нам (субтропик) зона бор.

Актив намнинг миқдори географик процесслар – сув оқими, нураш, тупроқ ҳосил бўлиши, рельефнинг экзоген кучлар таъсирида ўзгариши, биоценозлар ҳаёт фаолиятининг интенсивлиги ва характери билан белгиладиган иккинчи омилдир. Шунинг учун зоналикнинг иқлим омиллари ҳақида фикр юритилганда Қуёш энергияси роли билан атмосфера намининг ролини бир-биридан ажратмаслик зарур, чунки бу икки омил ландшафтнинг бошқа компонентлари зоналигига бирликда таъсир кўрсатади.

Ландшафтларнинг иссиқлик билан таъминланиш даражаси мазкур ландшафтлардаги мавжуд нам миқдорига ёки аксинча нам билан таъминланганлик даражаси мавжуд иссиқлик миқдорига боғлиқдир. Қуёшдан келадиган иссиқлик энергия хавони иситиш билан бирга намни буғлатишга ҳам сарф бўлади. Агар Ер юзининг Қуёш нури билан бир хил миқдорда тушадиган икки жойида нам миқдори турлича бўлса, бу жойларнинг иссиқлик билан таъминланиш даражаси ҳам хар хил бўлади. Экваториал ва тропик зоналарда кузатиладиган термик аномалияларнинг сабаби ҳам ана шунда. Энг юқори температуралар Қуёш нури энг кўп тушадиган экваториал зонада эмас, аксинча тропикларда кузатилади. Бунга сабаб экваториал кенгликларда Қуёш энергиясининг катта қисми кўп миқдордаги намнинг буғланишига сарф бўлади ва булут юзасидан акс этиб қайтиб кетади. Хаво кўпинча очик бўладиган қуруқ иқлимли тропикларда эса атмосферанинг турбулент кизишига сарф бўлади.

Иқлимнинг зоналиги гидрологик процесслар ва сув балансининг зоналигида кучли даражада акс этади. Буни турли зоналарда жойлашган баъзи дарё хавзалари сув балансининг асосий кўрсаткичлар жадвалидан яққол кўриш мумкин.

Ер ости (грунт) сувларининг зоналиги анча яхши ўрганилган. Ҳозирги вақтда иқлим омилларининг ер ости сувларининг ҳосил бўлиши шароитларига, температура режимига минерал ва ион таркибига таъсир этиши аниқланган.

Тундрада ер юзасига яқин ётган грунт сувлари кучсиз минераллашган таркиби гидрокарбонатли-кремнезёмли ионлашган органик моддаларга бой бўлади. Тайгада ҳам ер ости сувлари ёғинлар ҳисобига тўйинади, ер юзасига яқин жойлашган, суви чучук органик моддаларга анча бой, гидрокарбонат-кальцийли ва кремнезёмли бўлади. Тайга ва тундрада ер ости сувлари харорати паст, доимо музлоқ ерларда манфий, музлаган ҳолатда учрайди. Ўрмон дашт ва дашт зоналарида ер ости сувлари тўйиниши камаяди, буғланишга ва оқиб кетишга кўп сарфланади, натижада унинг сатхипасаяди, минералланиши ортади, иони ўзгаради, органик моддаларга камбағаллашади, харорати нисбатан паст бўлади. Чала чўл ва чўл зоналарида ер ости сувларининг ёғинлардан тўйиниши янада камаяди, температураси

нисбатан илиқ, буғланишга кўп сув сарф бўлади, таъми шўр ва таркиби хлорит-сульфатли, хлорит-натрийлидир.

Нам субтропик ва тропикларда ер ости сувлари кўпинча ёгинлар ҳисобига тўйинади, чучук ва илиқ, ион таркиби кремнезёмли, гидрокарбонатли бўлади.

Ернинг географик қобиғи ҳамда ландшафтлари ҳаётида муҳим роль ўйновчи геохимик процесслар ҳам зоналик хусусиятига эга. Геохимик процессларнинг асосий энергия манбаи Қуёш радиацияси ва кўпчилик химик реакциялар рўй берадиган муҳит сув бўлганлиги сабабли геохимик процесслар, шу жумладан тоғ жинслари ва минералларнинг эриш суръати, оксидланиш ва тикланиш реакциялари, эритмаларнинг тупроқдаги ҳаракати, химиявий элементларнинг нураш пўстидан чиқиб кетиши ва бошқаларда зоналик акс этади. Мисол тариқасида бир неча зоналардаги процессларни кўриб чиқайлик.

Арктика зонасида физик нураш айниқса совуқдан нураш устун туради. Ҳароратнинг паст бўлиши химиявий реакцияларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Шу сабабли нураш пўстида унча ўзгармайдиган нуроқ жинслар кўпчиликни ташкил этади.

Евросиёнинг мўтадил илиқ ва ўртача нам иқлимли ўрмонлар зонасида совуқдан нураш заифлашади ва химиявий нураш анча кучли рўй буради. Нураш пўсти гилсимон, темирли нураш маҳсулотларидан иборат бўлади. Ҳовак жинсларда нам юқоридан пастга қараб ҳаракат қилади ва ишқор моддаларни ўзи билан пастга олиб тушиб кетади. Бу зона учун хос бўлган нордон подзол тупроқларнинг қатламига тўпланади ва чала оксидлар қуйи қатламларга олиб тушиб кетилади.

Нураш жараёнида чиринди кислоталарининг роли катта бўлади. Тупроқда водород, алюминий, темир, кремний кўп бўлади. Кальций билан камб элементлар жуда кам бўлади, лекин оҳақтош ер юзасига чиқиб ётадиган жойларда калций кўп бўлиб, тупроқ нейтрал ёки ишқорий реакцияга эга бўлади ва хоказо.

Географик зоналик органик дунёда яққол ифодаланган. Хатто ландшафт зоналари кўпинча характерли ўсимлик типлари номи билан аталади. Зоналик ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг асосий турларининг тарқалишида, биоценозлар структурасида, уларнинг турларга бойлиги ва хилма хиллигида ҳамда бошқа белгиларида ўз аксини топади.

Ўсимлик қоплами зоналарини характерлаб ўтирмай, турли зоналарида ўсимлик массасининг запаси ва ўсимликларнинг унумдорлигини ифодаладиган маълумотларнинг келтирамиз. Бу миқдорий кўрсаткичлар географик қонуниятларни кўргазмали ифодалайди. Турли географик шароитлардаги ўсимлик қопламининг ҳосилдорлигини, унинг фаслий динамикаси, химияси, структурасини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга, шунингдек, моддаларнинг биологик айланма ҳаракатини ва ўсимликларнинг

тупроқ хосил бўлишидаги ҳамда ландшафтнинг ривожланишидаги ролини тушуниш учун зарур.

В.В.Докучаев кўрсатиб ўтганидек, тупроқ қопламанинг зоналлиги тупроқ хосил қилувчи табиий омилларнинг иқлим, сув режими, органик дунё ҳамда геохимик процессларнинг зонал ўзгариши билан бевосита боғлангандир.

Географик қобикдаги зоналлик хусусиятларининг белгилари чўкинди тоғ жинслари комплексларининг таркиб топишида ҳам кўринади. Илик иқлим шароитида одатда тузлар, қизил қум тошлар, маржон охактошлари, бокситлар ётқизилади. Сернам иқлимда типик жинслар – каолинлар, қуруқ иқлим шароитида лёсслар, қизил рангли чўкинди жинслар, турли тузлар тўпланади ва хоказо.

Н.М.Страхов чўкинди жинслар хосил бўлиш шароитини тўртта типга бўлади: гумид, музлик, арид ва эффузив-чўкинди типлари.

Ер юзасининг рельефи одатда эндоген ҳамда экзоген кучларнинг биргаликда таъсир этиши натижасида вужудга келади. Эндоген кучлар географик зоналлик қонуниятига бўйсунмайди. Лекин экзоген кучлар ўзида зоналлик хусусиятларини тўлиқ акс эттиради. Ана шунинг учун ҳам рельеф шакллари, айниқса морфоскульптура шаклларида (водийлар, ботиклар, қоялар, жарликлар ва хоказолар) зоналлик белгилари кўринади.

Чала чўл ва чўл зоналарида ўсимлик сийрак, нам кам бўлганлигидан шамол фаолиятида хосил бўлган рулеф шакллари қум дўнглари, эол чуқурликлари, кўзикоринсимон қоялар, тош учтунлар, шамол йўлаклари мавжудки, булар рельефнинг фақат зонал шакллари дир. Муз иши натижасида хосил бўлган морена дўнглари, қўйпешоналар, трог водийлари, озлар, зандра текисликлари ва бошқалар ҳам зоналлик хусусиятига эга.

Ёғин миқдори, хаво харорати, ер юзасидаги ўсимлик ва тупроқ қоплами, ер пўстининг юза қисмида тарқалган чўкинди тоғ жинслар билан бевосита боғлиқ бўлган ер ости сувларининг минералогик таркиби, оқим режими, физик ҳолати, харорати, сатхи ва бошқа хусусиятларида ҳам географик зоналлик акс этади. Масалан, мўтадил минтақа ўрмонларида грунт сувлари чучук бўлиб, пастки томон ҳаракат қилса, қирғоқчил чўл ва чала чўлларда кўпинча шўр бўлиб, юқорига томон ҳаракат қилади, ёки бўлмаса, чўлларда (Ворақум ва Қизилқумда) 20С температурали ер ости сувлари бир неча ўн метр чуқурликда ётса, Ғарбий Сибирнинг жанубида 650-700 метр чуқурликда, Якутияда 900 метр чуқурликда учрайди.

Табиий чегараси аниқ ифодаланмаган, доимий равишда аралашиб турадиган ва асосан бир хил модда (сув)дан иборат бўлган океанларда ҳам зоналлик мавжуд. Океанларнинг турли жойларига Қуёш нури турли бурчак остида тушади ҳамда ўрта ҳисобда 100 метр чуқурликкача кириб боради. Шу сабабли океанлардаги зоналлик қуруқликдаги зоналликдан фарқ қилади ва асосан сув температурасининг ўзгаришида, шўрликда, сувнинг газ таркибида,

сув динамикасида, органик дунёсида кўпроқ намоён бўлади. С.В.Калесник дунё океанида 8 та зонани ажратиб кўрсатади: Шимолий муз денгизлар зонаси, шимолий муз мўтадил зона, шимолий пассат оқимлар зонаси, маржонли денгизлар зонаси, жанубий пассат оқимлари зонаси, денгиз прериялари зонаси, жанубий океан ўрта зонаси, жанубий муз денгизлари зонаси.

Географик зоналик атмосферанинг фақат тропосфера қисмида яққол ифодаланган ва юқорига томон кўтарилган сари зонал тафовутлар йўқолиб боради. Бунга сабаб шуки, хавонинг қуйи қатламлари бевосита қуёш нуридан эмас, балки ер юзаси воситасида исийди. Шунинг учун ҳам ер юзаси иқлим шароитидаги зонал тафовутлар тропосферада акс этади.

Шундай қилиб зоналик географик қобикнинг ўзига хос қонунияти бўлиб, у ер шарининг фақат шу қисмида бевосита ёки бвосита намоён бўлади.

А.А.Григорьев М.И.Будико географик зоналикнинг даврий қонунини ишлаб чиқиб, зоналик ходисасининг физик ҳамда миқдорий заминини аниқлашди. Бу билан улар зоналик масаласини хал қилишда тубдан янги йўл тутишди.

Географик зоналик даврий қонуни ўзаро боғланган учта омил асосида ишлаб чиқилди: 1) Ер юзасининг йиллик радиация баланси, яъни муайян жойдаги иссиқлик келими билан кетими ўртасидаги фарқ, 2) йиллик ёғинларнинг умумий миқдори, 3) мана шу икки омил нисбатидан келиб чиқадиған қурғоқчилик радиация индекси.

Бу зоналарнинг характери ҳамда қиёфаси радиация балансига боғлиқ; агар $R=50$ ккал/см бўлса, мўтадил минтақа даштлари, 50 дан 75 ккал/см гача бўлса, субтропик даштлар 75 дан ортиқ бўлса тропик даштлар, қуруқ саванналар ҳосил бўлади ва хоказо.

М.И.Будико ва А.А.Григорьевнинг бу иши биринчидан зоналикнинг даврийлик хусусиятини кўрсатади, иккинчидан ландшафт зоналари чегараларини ўтказиш учун амал қилиш мумкин бўлган миқдорий кўрсаткичларни беради.

3. Азоналик қонунияти


В.В.Докучаев ландшафт сферасининг зоналик қонуниятини кашф қилгандан кейинги тадқиқотлар натижасида шундай фактлар аниқладикки, уларнинг баъзи ибрлари зоналик қонуниятини тасдиқлашга далил бўлса, бошқалари бу қонуниятни инкор этишга,

унга шубха билан қарашга олиб келди. Чунончи зоналар ҳамма вақт ва ҳамма жойда ҳам узлуксиз полосоларни хосил қилмай, бир-бирларидан узилиб қолган қисмлардан иборат экан: баъзи бир зоналар қуруқликларнинг чекка қисмида (масалан, мўтадил минтақанинг аралаш ва кенг баргли ўрмонлари) бошқалари аксинча материклар ичкарасида (чўл ва даштлар) жойлашади. Зоналарнинг чегаралари баъзан параллеллар йўналишидан жуда катта фарқ қилади, хатто меридиан йўналишида (масалан, Шимолий Американинг марказидаги зоналар) бўлади. Нихоят бир зонанинг ўзида узокликлар бўйича кескин табиий географик тафовутлар кузатилади, тоғларда кенглик зоналари ўрнига баландлик минтақаларини кўрамиз.

Бундай фактларнинг пайдо бўлиши баъзи географларнинг 1930 йиллар бошида кенглик зоналик назарияси кризисга учради, деган фикрга келишларига асос бўлди. Вахоланки ўз вақтида В.В.Докучаев ва унинг шогирдлари бундай саёз тушунчалардан холи бўлиш кераклигини таъкидлашган эди. Улардан ҳеч бири зоналар чегараси параллелларга тўппа-тўғри мос келади деб ўйламаган. Докучаев табиат бу математика эмас, зоналик схема ёки қонундангина иборат, деб кўрсатган эди. Докучаевнинг ходимларидан бири бўлган Н.М.Сибирцев зоналик Ер тупроқларининг умумий схемаси, лекин у органик, геологик, иқлимий омиллар таъсирида ўзгариши мумкин деб кўрсатган.

Табиатда бир вақтнинг ўзида кўпгина қонунлар биргаликда амал қилади. Шунинг учун ҳам зоналик қонуни бошқа қонунлардан ажралган, ҳукмрон қонун деб қарамаслик ва унинг маълум шароитлардагина юзага чиқишини ҳисобга олмоқ керак. Зоналик қуруқлик ва океанларда, текислик ва тоғларда турлича намоён бўлади. Фақат Ер шари юзаси рельефи ва уни ташкил этган жинслар ҳамма жойда бир хил бўлганда (унга зоналикдан ташқари бошқа географик қонуниятлар таъсир этмаса) географик зоналар математик тўғри шакли полосалар холида бўлар эди.

Шундай қилиб кенглик зоналикдаги турли хил номувофиқликлар зоналикнинг бирдан бир географик қонуният эмаслигининг ҳамда ер юзасининг табиий географик бўлинишидаги мураккабликни фақат зоналик қонунияти билан тушунтириб бўлмаслигини кўрсатди. Бошқача айтганда зоналик қонуни доирасига сиғмайдиган ходисалар, бизга ер ландшафтларида зоналик қонунининг умумий ахамиятини инкор этишга асос бермайди, аксинча бизнинг географик қонуниятларнинг бошқача кўринишларини ва сабабларини ахтаришга мажбур этади.



4. Зоналикнинг даврий қонуни ва зоналикнинг умумсайёравий тузилиши

Географик қобикдаги зоналик қонуниятига мос келмайдиган ходисаларни тақозо этувчи барча бошқа зоналик қонуниятлари баландлик зоналиги, меридионал зоналик, ландшафтларнинг секторлик қонунияти, провинцияаллик ва фациаллик қонуниятлари умумий қилиб азоналлик қонунияти деб юритилади, чунки уларнинг ҳаммасига ер ички энергиясининг махсулоти бўлган тектоник ривожланиш тарихи сабаб бўлган. Ер тектоник ривожланишининг энг мухим географик оқибатлари ер юзасини қуруқлик ва океанларга бўлинишидан, материкларда ўзининг тектоник тузилиши, жинслари таркиби, макро рельефи, баландлиги ва океанлар таъсирига яқин узоқ эканлиги жихатидан фарқ қилувчи йирик структурали морфологик территорияларининг таркиб топишидан иборат бўлган. Географик қобикдаги азоналлик, даставвал ер пўстида кўтарилиб турган материклар ва океан ботиқларининг мавжудлигида намоён бўлади. Океанларда сув юзаси қуруқликларга нисбатан

куёш нурларини кам қайтаради, бунинг натижасида океанлар майдон бирлиги ҳисобига 10-20 % кўпроқ иссиқлик олади ва унинг устидаги ҳаво қуруқликдагига нисбатан илиқроқ бўлади (пассатлар минтақаси бундан мустасно, чунки бу минтақада океанларда иссиқликнинг кўпи сувнинг буғланишига сарф бўлиб, қуруқликдагига нисбатан салқинроқ бўлади). Океанлар билан қуруқликларнинг тумпература шароитида катта фарқни келтириб чиқарадиган асосий омил сувнинг кўп иссиқлик сингдириши ва сув қатламида турбулент иссиқлик алмашинишидир. Сувнинг бундай хусусияти океан юзасини ёзда секин исишини, қишда секин совишини таъминлайди. Оқибатда океан устида тумпература йил давомида қуруқликка нисбатан бир текисроқ бўлади, атмосферага йил давомида чиқариб турадиган иссиқлик ҳам бир хилроқдир.

Океандан буғланадиган сув миқдори чегараланмаган, шунинг учун океан устидаги ҳаво ўзида намни кўп сақлайди. Океанлар билан қуруқликдаги бундай тафовутлар денгиз ва континентал ҳаво массаларининг асосий характерини белгилайди.

Қуруқлик ва океанларнинг нотекис иситилиши натижасида улар ўртасида континентал ва океан ҳаво массалари узлуксиз алмашиниб туради. Бундай ҳаво алмашиниши азонал ходиса бўлиб, атмосферанинг умумий циркуляциясини мураккаблаштиради. Қуруқликнинг континентал океан ҳаволари циркуляцияси таъсирида бўлган қисми табиий территориял бўлинишда алоҳида ажратилади, чунки иқлим ландшафтнинг ҳамма хусусиятларига таъсир этадиган муҳим омиллардан биридир. Океанлардан узоқлашиб, қуруқликларнинг ичкарасига борган сари денгиз ҳаво массасининг келиши камаяди, иқлимнинг континенталлик даражаси ортади, ҳавода нам кам сақланади, ёгин миқдори ва умуман намлик озаяди. Булар ўз навбатида провинциалликнинг асосий сабаби бўлади.

Ер шари юзасида иссиқликнинг қайта тақсимланишида денгиз оқимлари, атмосферанинг материкнинг жойланиши ва ҳолати билан боғлиқ бўлган умумий циркуляцияси каттагина қўшимча омил ҳисобланади. Калифорния ва Перу каби салқиноқимлар ўтадиган районларда океан юзаси ўрта ҳисобда йил давомида 600 ккал/см дан кўпроқ иссиқлик йўқотади (бу буғланишга сарф бўлган иссиқлик миқдорига тенг келади). Атлантика океанининг ўрта кенгликлардаги қимларида илиқ оқим ҳисобига океан юзаси қўшимча равишда 20 ккал/см дан ортиқ иссиқлик олади. Ҳаво массалари циркуляцияси воситасида денгиз оқимлари қуруқликларнинг чекка қисмлари иқлимга кучли таъсир кўрсатади.

Қуруқлик билан денгизларнинг турли хил муҳитга эга эканлиги ва сув билан қуруқлик ўртасидаги атмосфера циркуляцияси натижасида материкларнинг океан бўйи ва ички қисмларидаги температура режими кескин фарқ қилади, бу фарқ қиш вақтида айниқса кучли бўлади. Масалан Евросиё материгининг деярли бир хил кенгликларида ётган Ленинград

билан Якутск январ температурасининг фарқи деярли 40С га етади. Ёзда эса аксинча материк кўпроқ исиб Якутскдаги температура Балтика бўйидагидан 5-6С юқори бўлади.

Қуруқликларда ёғин миқдорининг тақсимланиши океан хаво массаларининг келишига температура режимига нисбатан ҳам кўпроқ боғлиқ. Океанлар қуруқликларга ёғин келадиган асосий манбадир. Океанлардан келадиган намнинг асосий қисми қуруқлик иссиқ, унинг устидаги хаво босими паст бўлган, барик градиент океанлардан қуруқлик томон пасайиб борадиган ва асосий хаво массалари шу йўналишда ҳаракат қиладиган иссиқ фаслга тўғри келади.

Қуруқликларнинг ички қисмларига кирилган сари хаводаги нам миқдори камайиб боради. Ёғиннинг ёзда энг кўп ёғиши муссонли ўлкаларда (Хиндистон, Хиндихитой, Шарқий Осиё хоказолар) айниқса яққол сезилади. Океанлар билан қуруқлик ўртасидаги нам айлашиниши қуруқликларнинг иссиқлик режимига ҳам таъсир кўрсатади, яъни бунда иссиқлик қуруқликларга конденсация яширин иссиқлиги шаклида келади. Лекин қуруқликларда айниқса уларнинг ички қисмларида хаво қуруқ ҳамда кам булутли бўлганлигидан бу жойларга қуёш нури кўп тушиб, жуда иссиқ бўлади.

Қуруқликлардаги иқлимларнинг узоклик бўйича (провинциал) ўзгаришида кенглик зоналиги қонуниятига ўхшаш қонуниятни кузатамиз. Лекин табиий географик ходисаларни кенглик бўйича ўзгаришида иссиқлик билан таъминланиш ва намлик шароитлари баравар роль ўйнаса, табиий географик комплексларнинг узокликлар бўйича ўзгаришида намлик омили ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Иссиқлик миқдори узокликлар бўйича кескин ўзгармасада лекин бу омил тупроқ ўсимлик қоплами характериға ва геохимик процессларнинг интенсивлигига таъсир этади.

Территориаларнинг табиий географик жихатдан узоклик бўйича бўлиниши атмосфера циркуляцияси, материкларнинг географик ўрни, майдони ва қиёфасига боғлиқ ҳолда ҳамм жойда ҳам бир хилда ифодаланмаган. Қуруқликнинг секторларға (географик узоклик бўйича) бўлиниши ғарбдан шарққа 200С гача чўзилган ва ғарбдан хаво массалари келиб турадиган Евросиёнинг ўрта кенгликларида яққол кузатилади. Ғарбдан океан хаво массаларининг мунтазам келиб туриши, ички районларда юқори босим областининг ҳукмронлиги ва Тинч океани сохилларида муссон циркуляциясининг мавжудлиги сабабли материкда учта меридионал зона аниқ ифодаланган.

Пассат шамоллар ҳукмрон минтақада материкларнинг ғарбий чеккаллари қуруқлик хавоси таъсири остида, шарқий чеккаллари муссонлар таъсири остида бўлади. Шу сабабли тропик минтақада фақат икки сектор ғарбий қурғокчил ва шарқий фаслий сернам секторлар вужудга келади.

Экваториал минтақа ва қутбий ўлкаларда йил бўйи бир хил хаво массаси хукмрон бўлганлигидан узоқлик бўйича тафовутлар кузатилмайди.

Территориаларнинг азонал табиий географик бўлинишини тақозо этадиган иккинчи омил ландшафтлар ривожланадиган заминнинг бир хил эмаслигидадир. Ер юзасининг рельефи, палеогеографик тараққиё тарихи, юзада тарфалган тоғ жинслари, уларнинг литологик таркиби ландшафтларга катта таъсир кўрсатади. Масалан, тупроқлар минерал қисмининг таркиби, гидрографик тўр хусусиятлари, сувнинг химиявий таркиби ва бошқалар тоғ жинслари ҳамда рельефга боғлиқдир. Жойнинг парчаланганлик даражаси, сувнинг оқим характери, тупроқ қатламлари, ўсимлик ва хайвонлар турлари ва бошқалар мазкур жойнинг палеогеографик тараққиётига кўп жихатдан боғлиқ.

Рельеф айниқса унинг морфоструктура шакллари тоғли ўлка ва унинг атрофидаги текисликлар иқлимига ҳамда ландшафтларига жуда катта таъсир этиб, табиатнинг ривожланишида муҳим азонал омил ҳисобланади. Тоғ тизмалари йўналиши, шунингдек баландлигига қараб, атмосфера циркуляциясига катта ўзгаришлар киритади, шамоллар йўлида тўсиқ бўлиб, иқлимий тафовутларни кучайтиради. Меридиан бўйлаб йўналган тоғ тизмалар, агар улар Кордильера, Анд, узоқ шарқ тоғлари каби океанлар яқинида жойлашган бўлса, иқлимларнинг узоқлик йўналишидаги тафовутини, Кавказ, Химолай тоғлари каби кенглик йўналишида чўзилган бўлса, иқлимларнинг кенглик йўналишидаги тафовутларни жуда кучайтириб юборади.

Хаво массалари ҳаракати йўналишига кўндаланг жойлашган тоғларнинг ҳар икки томонидаги текисликларда ва ён бағирлада ўзига хос ландшафтлар таркиб топади.

Тоғ тизмаларининг хаво массалари йўлида тўсиқ бўлиб, географик ландшафтга таъсир кўрсатишида Фарғона водийси мисол бўла олади. Фарғона водийси ғарбдан шарққа томон тахминан 300 км масофага чўзилган, атрофи деярли ҳамма томондан баланд тоғ тизмалари билан ўралган тоғ оралиғи ботиғидан иборат; абсолют баландлиги ғарбий чеккасида 170 м дан, шарқда 800 м гача боради. Ғарбий қисми хаво массалари оқимидан тоғлар билан тўсилган бўлганлигидан ёғин миқдори кам (100-150 мм), асосан чўл ландшафтига эга, шарқий қисми нам хаво оқимида рўбарў бўлганлиги ҳамда бу хаво оқимини тоғлар тўсибтуриши натижасида ёғин кўп бўлиб, ўтлоқ-дашт ландшафтига эгадир.

Тоғ тизмалари ландшафтларга фақат иқлим воситасидагина таъсир этиб қолмайди. Тоғларнинг нураши ва нуруқ жинсларнинг дарёлар, вақтинча оқар сувлар, флювиогляциал оқимлар келтириб чўктиришидан тоғ этагидаги текисликларда қалин ғовак жинслар қатлами ҳосил бўлади: қирғоқчил текисликлардаги дарёлар тоғлардаги сув манбалари ҳисобига тўйинади, чўл зоналаридаги доимий оқар сувлар ҳам бутунлай тоғдаги ёғинларга

боғлиқдир. Тоғлардан келадиган ер ости сувлари оқими қурғоқчил текислик ландшафтларнинг гидрогеологик режимида катта роль ўйнайди.


Тоғлар ландшафтларининг таркиб топишида ён бағирларда намликнинг хар хил бўлишидан ташқари ён бағирларга қуёш нурининг тушиш (инсоляция) шароитининг бир хил эмаслиги (экспозиция таъсирида), рельеф шакллари ва айниқса, абсолют баландлик хал қилувчи омиллардир.

Абсолют баландликнинг ошиб бориши натижасида вужудга келадиган баландлик минтақалари ўзига хос азоналлик ходисасидан иборатдир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, территориал табиий географик бўлинишининг бу икки асосий шакли узоклик провинциаллиги (секторларга бўлиниши) ва морфотехтоник азоналлик ўзаро узвий боғланган ва уларни келтириб чиқарувчи энергия омили битта хар иккаласида хам Ернинг ички энергиясидир. Ер юзининг йирик морфотехтоник қисмлари бўлган Россия текислиги, Ғарбий Сибирь текислиги, Ўрта Сибирь ясси тоғлиги, Ўрта Осиё текисликлари океанларга нисбатан жойлашган ўрни, хаво массаларининг келиши хамда ўзгариши, иқлимнинг континенталлик даражаси ва бошқаларга кўра, бир-бирларидан фарк қилувчи иқлимий районлардир. Шу сабабли “азоналлик” ва “провинциаллик” тушунчаларини бир-бирига қарама-қарши қўйишга хеч қандай асос йўқ.

Азонал омиллар рельеф, тоғ жинслари ва иқлим орқали барча географик компонентларга таъсир кўрсатиб, тупроқ ва биоценозларда хам азонал из қолдиради. Бундан, азоналлик хам худди зоналлик сингари, умумгеографик қонуниятдир, деган хулоса келиб чиқади. Ер юзасида табиатни азоналликка боғлиқ бўлмаган ва ўзида бирор даражада азоналлик хусусиятларини акс эттирмаган жой йўқ, бирор бир ер йўқки рельефнинг қандайдир бир морфологик элементида жойлашмасин ёки бирор хил геологик тузилишга эга бўлмасин ва океанлардан маълум даражада узокда жойлашмасин.

Географик зоналликни тўла тушуниб олиш учун хамма жойи бир хил бўлган гипотетик материкда зоналарни жойланишини кўриб чиқиш мухим аҳамиятга эга. Гипотетик материкнинг хажми ер юзасидаги қуруқлик майдонининг ярмига, шакли эса қуруқликнинг кенгликлар бўйлаб жойлашишига тўғри келсин деб фараз қилинади. Бундан ташқари гипотетик материкда тоғлар хам йўқ деб фараз қилинади. Гипотетик материкнинг қиёфаси шимолий ярим шарда Шимолий Америка ва Евросиё билан Шимолий Африка, жанубий шарқда эса Жанубий Америка, Жанубий Африка ва Австралияга ўхшаб кетади. Гипотетик материкда табиат зоналарини жойланиши географик зоналарни Ер юзасида тарқалиши аниқ қиёфасини беради.



Ернинг ёритилиш минтақалари:

1-экваториал, 2-тропик, 3-субтропик, 4-мўътадил, 5-ёзги ёруғ тунлар ва қишки 1Ира-
шира кунлар, 6—қутбёни, 7-қутбий минтақалар
Х У Л О С А

Ушбу “Курс иши” мавзусига хулоса таъриқасида шуни айтиш мумкинки сайёраимиз табиий компонентларининг тақсимланишида зоналик географик қобикнинг энг мухим структура хусусиятидир. Ернинг географик қобигида зоналик жараёнининг вужудга келишининг асосий сабаби – Ернинг шарсимонлиги ва шунга боғлиқ холда Қуш радиациясининг турлича тақсимланишидир.

Юқорида биз хам Қуёшдан келаётган энергия Ернинг шарсимонлиги туфайли унинг хамма қисмига бирдек тушмаслигини, бу билан узвий боғлиқ табиат окмпонентлари харорат, ёгинлар, шамолар, тупроқ-ўсимлик қоплами ва хайвонот дунёси хам зона-зона хосил қилиб жойлашганлиги тўғрисида маълумот олиш имконига эга бўлдик. Ер ўқининг оғма эканлиги Ер юзасида ёритилиш минтақаларини ажратишга имкон беради. Ер шарининг Ер ўқининг оғанлиги натижасида ёритилиш шароити йил фасллари алмашинишининг радиацион, яъни Қуёш нурлари билан боғланган асосини ташкил этади.

Об-ҳавонинг ва шу билан бирга йил фаслларининг таркиб топишида фақат Қуёш радиацияси иштирок этиб қолмай, кўпгина теллурий (Ер) омиллари хам иштирок этади, шу сабабли ҳақиқатда йил фасллари хам, уларнинг алмашиниб туриши хам мураккаб ходисадир.

Географик қобикнинг зоналиги – яъни Ер шари табиий компонентларининг бир-бири билан узвий боғланган, бир хил табиий хусусиятлар (бир хил иқлим, ўсимлик, тупроқ ва хайвонлар) га эга бўлган хамда лента шаклида кенглик бўйлаб узунасига жойлашган худудлари тўғрисида танишиб чиқдингиз.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Вохобов Х., Абдуназаров У., Зайнитдинов А., Юусупов Р.

“Умумий ер билими “ Т;2005 й.

2. Зокиров ,Эшназаров “Қизиларли Геология” Т;1987 Й.

3. Исломов О. “Умумий геология” Т;1971 й.
4. Костенка Н “Геоморфология” Москва;1975 й.
5. Шубаев Л.Р. “Умумий ер билими” Т;1975 й.
6. Интернет маълумоти www.Ziyonet.uz

Мундарижа

Кириш.....

1. Географик қобикнинг зоналлиги.....

2. Географик қобикнинг азоналлиги.....

3. Азоналлик қонунияти.....

4. Зоналликнинг даврий қонуни ва зоналликнинг умумсайёравий

тузилиши.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар.....